

БАЛЛАДА - (французча — раксга тушаман) XIV-XV-асрларда роман мамлакатларида кенг тарқалган, мусика ва ракс жўрлигида ижро этиладиган, ўзига хос кофия тизими ва рефрен мисрага эга бўлган тўрт банддан ташкил топган лиро-эпик жанр. XX асрга келиб балладага кўйиладиган катъий талаблар олиб ташланди. Хажман катта воқеабанд шеърий асарлар баллада деб юритила бошланди. Балладада эпик тасвирнинг етакчилик, лирик тасвирнинг иккиламчилик нисбати бузилмаслиги лозим. Ўзбек шеъриятида балладанинг энг сара намуналарини Хамид Олимжон, Максуд Шайхзода, Шухрат ва Усмон Азим каби шоирлар ижодида кўриш мумкин. Баллада жанрига ижодий муносабат шу кунда ҳам давом этмоқда. Хусусан, замонавий шеъриятда ушбу жанр кўламининг нисбатан кичрайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Чунончи, Х.Олимжон ва М.Шайхзода балладалари бир неча ўнлаб бандлардан ташкил топган бўлса, У.Азимнинг аксари балладалари оддий лирик шеър хажмидадир.